Биография

Муҳаммаджон Қодиров



Муҳаммаджон Қодиров 1941 йил 22 октябрда Фарғона вилояти Бувайда туманидаги Деҳқонобод қишлоғида деҳқон оиласида таваллуд топган. Тошкент давлат университетининг филология факультетини 1968 йилда аъло баҳоларга тугатгач, ўзбек тилшунослиги кафедрасида ишга қолдирилади. Бир неча йил шу кафедрада лаборант ва ўқитувчи (1968-1980), катта ўқитувчи (1981-1982), доцент лавозимларида ишлади. 1989-1990 йилларда университетнинг гуманитар факультетлар "Ўзбек тили" кафедрасининг мудири, 1993-1996 йилларда "Умумий тилшунослик" кафедрасининг мудири, 1997 йилдан бошлаб "Ўзбек тилшунослиги" кафедрасида доцент лавозимида фаолият кўрсатди. Талабаларга "Ҳозирги ўзбек адабий тили", "Ўзбек адабий тили тарихи", "Умумий тилшунослик" ва "Она тили ўқитиш методикаси" фанларидан маърузалар ўқиган.

М.Қодировнинг илмий фаолиятида ўзбек адабий тили тарихини, хусусан, Алишер Навоий асарларининг тил хусусиятларини ўрганиш марказий ўринда туради. Адабий тилимиз тарихининг ушбу муҳим соҳаси бўйича унинг 20 дан ортиқ илмий, 40 дан ортиқ илмий-оммабоп мақолалари эълон қилинган ва илмий жамоатчилик томонидан эътироф этилган. М.Қодировнинг луғатчиликдаги фаолияти ҳам эътиборга молик. Ш.Раҳматуллаев билан ҳамкорликда 1997-1999 йилларда ўзбек тилининг дастлабки (тўрт қисмдан иборат) этимологик луғатини яратди.

Олим Олий ва ўрта махсус ўқув юртлари учун ўқув дастурлари ва қўлланмалар яратишга ҳам улкан ҳисса қўшган. М.Қодиров "Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури" матнини тайёрловчи ишчи гуруҳ аъзоси сифатида фаолият кўрсатган. Дастур талаби бўйича республикамиз таълим тизимида академик лицейлар учун янгидан тузилаётган "Она тили" ва "Эски ўзбек ёзуви" (1998-2000) дастурларини тузишда иштирок этди. Шунингдек, 3-9 – синфлар учун "Эски ўзбек ёзуви" дастури (1991), 3-4 – синфлар учун эски ўзбек ёзувидан "Алифбе" дарслигини (1992), 5-синф учун "Эски ўзбек ёзуви" дарслигини (2002) тузди ва нашр эттирди.

Биография



М.Қодировнинг ҳаммуаллифликдаги 6-синф “Она тили” дарслиги 2002 йилда “Йилнинг энг яхши дарслиги ва ўқув адабиёти муаллифи” Республика танловида ғолиб деб топилган ва мукофотланган. Унинг раҳбарлигида тайёрланган 8-синф “Она тили” дарслиги 2006 йилда ўтказилган Республика танлови ғолиби бўлди. 2008 йилда ушбу дарслик муаллифларига “Йилнинг энг яхши дарслиги ва ўқув адабиёти муаллифи” мукофоти берилди.

М.Қодиров Қозоғистондаги ўзбек мактаблари учун “Ўзбек тили” фани дастури ва дарсликларининг яратилишида ҳам фаол иштирок этган.

Муҳаммаджон Қодиров илмий-оммабоп ва публицистик мақолалари билан ҳам республика жамооатчилигига яхши таниш. Айниқса, унинг ўзбек тилининг ижтимоий вазифаси ва ҳуқуқини тиклаш соҳасидаги жиддий мақолалари ўз вақтида жамоатчиликнинг эътиборига тушган.

М.Қодиров университет ва республика миқёсидаги жамоат ишларида фаол иштирок этган. 1991 йилдан бошлаб Ўзбекистон Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликларининг ўзбек тили методик кенгашлари аъзоси, 1997 йилдан “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури” талаблари асосида олий ва ўрта мактаблар дарслик ҳамда қўлланмаларини янгилаш бўйича республика мувофиқлаштирувчи кенгаши аъзоси, 1996 йилдан бошлаб Мирзо Улуғбек номидаги ЎзМУ “Давлат тили ҳақида”ги Қонунни амалга ошириш ва янги ёзувга ўтиш комиссия раисининг муовини, 1999 йилдан бошлаб ўқув дастурлари, дарсликлар, қўлланмаларни қайта кўриб чиқиш, янгиларини яратиш бўйича республика мувофиқлаштириш комиссиясининг аъзоси бўлган.

М.Қодиров педагогик фаолияти, олий ва ўрта мактабларда, академик лицейларда тилшунослик фанларини ўқитишдаги хизматлари учун Республика ҳукумати ва университет маъмурияти томонидан бир неча фахрий ёрлиқлар ва 1992 йилда “Ўзбекистон халқ маорифи аълочиси” фахрий нишони билан тақдирланган.

Асарлари:

1991	3-9 – синфлар учун “Эски ўзбек ёзуви” дастури
1992	3-4 – синфлар учун эски ўзбек ёзувидан “Алифбе” дарслиги
1997	Ўзбек тилининг этимологик луғати (ҳаммуаллифликда)
2002	5-синф учун “Эски ўзбек ёзуви” дарслиги 6-синф учун “Она тили” дарслиги (ҳаммуаллифликда)
2006	8-синф учун “Она тили” дарслиги (ҳаммуаллифликда).